



Ҳар бир ёш
вужудида бир
истеъдод яширин

4-с.

“Томорқадан
фойдаланмаслик биз учун
ор-номусли масала...”

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
20 ДЕКАБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№102
(2326)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

ТАНЛОВ

Ободликда кимки бўлса андоза билингки, унинг ҳам қалби, ҳам фикри тоза

БУГУН — 20 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛанади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг Республика босқичи ғолибларини аниқлаш жараёни бўлиб ўтди. “Менинг маҳаллам” кўрик-танлови ғолиблари ҳам сараланди.

Айтиш керакки, “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг маҳалла, туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичлари жорий йилнинг октябрь-декабрь ойларида ташкил этилди. Унда 8 992 та маҳалла, 159 минг нафар кўчабоши ва 5 миллион 792 мингта хонадон иштирок этди.

Республика босқичида ҳар бир ҳудуддан бир нафардан маҳалла раиси, кўчабоши ва хонадон эгалари иштирок этди. Уларнинг тақдимотини вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган Ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Давоми 2-саҳифада.

БИР ЎЛКАКИ...

“ХОРАЗМДАГИ БУНЁДКОРЛИКНИ “ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛИК” ДЕГИМ КЕЛАДИ”

Айни кунда Хоразм аҳли кириб келаётган
янги йилни катта хурсандчилик ва
кўтаринкилик билан кутиб оляпти.
Албатта, бунинг боиси бор...



Рустам
СУЛТОНОВ,
“Нуроний”
жамғармаси
Хоразм вилояти
бўлими раиси,
“Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
қурувчи” фахрий
унвони соҳиби.

Шу йилнинг май ойида Хурматли Президенти-миз воҳамиз меҳнаткашлари, бободехқонлар билан яқиндан суҳбатлашганида: “Бу йил Хоразм йили бўлади, сизларга ишонаман, ҳар қандай маррани эгаллайсизлар”, деган маънодаги истаклари шу йилнинг ўзида рўёбга чиқмоқда.

Янги Ал-Хоразмий ёндош шаҳарчасининг барпо этилгани, бутун жаҳон нигоҳида бўлаётган туризм шаҳарчаси — Арда Хива мажмуасининг қурилиши, Ўзбек-Туркман қўшни бозорининг фойдаланишга топширилиши, равон йўллар, обод маҳаллалар кўзни қувонтиради. Бу муваффақиятларда нуронийларнинг ҳам ҳиссаси алоҳида. Чунки кексаларимизнинг дуолари ижобатдир.

Давоми 2-саҳифада.



“Маҳалла еттилиги” оилаларни “Ижтимоий реестр”га киритади

Ўтган даврда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” доирасида 1,8 миллионта оиланинг ижтимоий ҳолати баҳоланиб, 739 мингта оила, шу жумладан, камбағал ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилалар реестрга киритилди. Уларга нафақа ва моддий ёрдамлар тайинланди.

Бу ҳақда Президентимизга ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудларда комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кенгайтириш ҳамда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган тақдирлар тақдиротида маълум қилинди.

Эндиликда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва “Камбағал оилалар реестри” негизида “Ижтимоий реестр” юритилади. Унда оилалар ижтимоий-иқтисодий аҳолидан келиб чиқиб алоҳида тоифаларга — давлат таъминотидаги оилалар, камбағал оилалар ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилаларга ажратилади, ҳар бир тоифага мос ёрдам ва хизматлар кўрсатилади.

Давоми 2-саҳифада.



ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zgusi” журнаliga
2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ
МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА
ТЕЗКОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИЗ

ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР ЭТИШ
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92



ИСЛОХОТ ОДИМЛАР

Хорижий сайёҳлар ташрифининг ортишига сабаб нима?


Бутунжаҳон туризм ташкилоти эълон қилган сўнгги таҳлилий маълумотларга кўра, Ўзбекистон 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича дунё миқёсида энг юқори ўсиш қайд этилган ТОП-7 давлат қаторига кирди.



Дарҳақиқат, Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Юртимизда 7 300 дан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Қадимий шаҳарлардаги замонавий архитектура ўтган асрларнинг миллий меъморчилиқ ёдгорликлари билан уйғунлашган. Шу билан бирга, мамлакатимиз бетакрор табиати, гўзал дам олиш масканлари билан меҳмонларни ўзига жалб этмоқда.

2025 йил июнь ойидан бошлаб, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари “Оила ва жамоа билан саёҳатга чиқиш кунини” этиб белгиланди. Сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган 12 та туман (шаҳар)да туризм марказлари ташкил этилган. Мамлакатда 20 та туризм қишлоғи фаолият юритаяпти.

3-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
18-20 декабрь кунлари
расмий ташриф билан
Японияда бўлади.
“Марказий Осиё + Япония”
саммитида
қатнашади.



Давлатимиз раҳбари
ЯПОНИЯ ИМПЕРАТОРИ
НАРУХИТО билан учрашди,
унга Ўзбекистонга
расмий ташриф билан
келишни таклиф
қилди.



Президентимиз
КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ, Конституциявий
суд фаолиятини
рақамлаштириш
масалаларига оид
тақдимот билан танишди.

ТАНЛОВ

БИР ЎЛКАКИ...

ОБОДЛИҚДА КИМКИ БЎЛСА АНДОЗА БИЛИНГКИ, УНИНГ ҲАМ ҚАЛБИ, ҲАМ ФИКРИ ТОЗА



Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада.

“Обод хонадон” номинацияси иштирокчилари хонадонининг ободлиги, аҳоли орасида соғлом-турмуш тарзига риоя этишда намуна ҳамда маҳалла ҳаётида фаоллик кўрсатгани ва шу орқали “Обод хонадон” мезонини жорий этишда тўпланган ижобий тажрибаларини тақдимот қилишди.

“Обод кўча” номинациясида кўча-бошилар маҳаллаларда хонадон ва кўчаларнинг ободлиги, кўкаламзорлаштирилгани, “Саломатлик йўлаклари”ни қуриш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича тўпланган ижобий тажрибаларини тушунтириб беришди.

“Обод маҳалла” номинацияси бўйича маҳалла раислари иккита шарт асосида баҳоланди. 1-шарт бўйича иштирокчилар маҳаллаларда хонадон ва кўчаларнинг ободлиги, кўкаламзорлаштирилгани, “Саломатлик йўлаклари” қурилгани, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида маҳалла ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектлари, ийғин инфратузилмасини яхшилаш бўйича кўрсатган ташаббуслари, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишда тўпланган ижобий тажрибаларини тақдимот қилишди.

2-шартада маҳалла раисларининг билим савияси, дунёқараши, фикрлаш қобилияти, мулоҳаза юритиши, шунингдек, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини қай даражада билишлари баҳоланди. Бу жараён савол-жавоб асосида ўтказилди.

Республика босқичида ҳар учала номинация бўйича ғолиблар қуйидагича мукофотланади:

- ✓ 1-ўринга — автомобиль;
- ✓ 2-ўринга — 50 000 000 сўм;
- ✓ 3-ўринга — 30 000 000 сўм.

Танлов ғолиблари давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин. Шунингдек, кўрик-танловда яхши иштирок этган 100 та маҳалла “ТОП-100”талика кирилади ҳамда уларда амалга оширилаётган лойиҳалар молиявий қўллаб-қувватланади.

Умуман олганда, мазкур танлов орқали республикадаги барча маҳаллалардаги ободлик, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларга қўлай яшаш муҳити яратиш борасидаги ташаббусларга кўзеу тўтилди. “Маҳалла еттилиги”нинг иш фаолияти, амалга ошираётган юмушлари таҳлил қилиниб, 8 992 та маҳалланинг рейтингини ўзида акс эттирди. Рейтинг баҳолаш орқали юқори натижаларни қўлга киритган раисларнинг иш фаолияти оммалаштирилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида 14-35 ёшли йигит-қизлар ўртасида “Менинг маҳаллам” мавзусида иншо ва видеороликлар танлови ўтказилди.

Танлов иштирокчилари иншо ва видеороликларда ўзи истиқомат қилаётган маҳалла тарихи, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг маҳаллаларга кириб бориши, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, замонaviйлик ва ёш авлод тафаккуридаги ўзгаришларни ифодаловчи фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини баён қилишди. Яқунда ҳакамлар ҳайъати ғолиблар номини аниқлаб беришди.

Улар қуйидагича тақдирланади:

- ✓ 1-ўрин — ноутбук ва 1-даражали диплом;
- ✓ 2-ўрин — планшет ва 2-даражали диплом;
- ✓ 3-ўрин — смартфон ва 3-даражали диплом.

№102 | 2025 йил 20 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

“ХОРАЗМДАГИ БУНЁДКОРЛИКНИ “ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛИК” ДЕГИМ КЕЛАДИ”

Давоми.
Бошланиши 1-саҳифада.

Асли касбим — қурувчи. Бугунги кунда воҳамизнинг энг чекка туманларида, чўлу биёбон ўрнида янги ташкил топган Тупроққалъа, Янгирик, Хонқа ва бошқа туманларда “Янги Ўзбекистон” массивлари тез фурсатда барпо этилганини ўзимиз ишлаган даврдагилар билан қиёслаб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини “ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛИК” дегим келади.

Президентимизнинг биз нурунийларга ҳар томонлама кўрсатаётган чексиз эътибори, эҳтиромини кундалик ҳаётимизда яққол хис этяпмиз. У кишининг чексиз ғамжўрлиги билан нурунийларнинг яшаш шароитлари янада яхшиланди, соғлиқларини мустаҳкамлаш, санаторий ва тиббиёт масканларида дам олишларини ташкил этиш кундалик диққат марказида бўлмоқда.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ
БЕРАЁТГАН КЎРСАТМА-
ЛАРИ АСОСИДА ВИЛОЯТ-
НИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИ-
СОДИЙ ҲОЛАТИ КЕСКИН
ЎЗГАРДИ. НУРУНИЙЛАР
АНА ШУ ЎЗГАРИШЛАРНИ
КЎРИБ, БЕҲАД ҚУВОН-
МОҚДА.



Бугунги кунда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида “Нурунийлар масканлари” фаолият юритмоқда. Ушбу масканлар зиё ва маданий-маърифий манзили бўлиб, уларда ижодкорлар, илм-фан номояндalари, театр актёрлари, санъаткорлар, таниқли спортчилар билан мунтазам “Уч авлод учрашуви” тадбирлари ва турли мавзуларда давра

суҳбатлари ўтказиб келиняпти. Кекса авлод вакиллари ўртасида шахмат-шашка, стол теннис, мини футбол, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиляпти.

Хоразмлик нурунийларнинг ижтимоий фаоллиги кун сайин ортиб борапти. Улар ёшларни баркамол вояга етказишда муносиб ҳисса қўшапти. Атроф-муҳит, экология мусоф-фолигини таъминлашда, яшил макон яратишда, тўй-маросимларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда яқиндан кўмаклашапти. Шунингдек, 1 498 нафар нуруний “маҳалла еттилиги” аъзолари билан бирга, воҳадаги 509 та маҳаллада камбағал оилаларни камбағалликдан чиқаришда ўз хиссасини қўшапти.

Вилоятда туркман, қозок, корейс, татар ва рус миллати вакиллари дўст ва аҳил-инокликда яшаб, турли соҳаларда меҳнат қилишапти. “Нуруний” жамғармаси вилоят бўлими миллий-маданий маркази вакиллари ҳамкорлигида кўп миллатли фуқаролар иштирокида “Ўзбекистон — умумий уйимиз!”, “Дўстлик — янграр баралла!” мавзуларида дўстлик кечаларини ўтказиб келяпмиз. Тадбирларда Ватан, тинчлик, дўстлик ҳамда ҳар куни чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар ижро қилиняпти.

Умуман олганда, хоразмликлар келаётган йилда маррани янада юқори олиб, ғайратли ишларга бел боғлаяпти. Отаҳон ва онахонлар ўзларининг бой, ҳикматларга тўла ҳаётий тажрибалари, маслаҳатлари билан янада фаол бўлиб, юртимиз таракқиётига муносиб хисса қўшишга тайёр. Бу борада нурунийлар Президентимизга камарбаста!

АЁЛГА ИШОНЧ БЕРИНГ, ҚЎЛИДАН ТУТИНГ — РЎЗҒОРНИ БАРАВАР ТОРТИШГА ҚОДИР!

Маҳалламизда хотин-қизлар фаоли сифатида бир неча йилдан буён аёллар дарди билан яшаб, уларнинг қувончига шерик бўлиб келяпман. Ҳар бир аёлнинг юрагига ўзига хос бир юк бор: кимдир рўзғор ташвишида, кимдир боқувчисини йўқотган, яна кимдир ногирон фарзанди билан ҳаёт синовларидан ўтмоқда. Бизнинг вазифамиз ана шу юкни енгиллаштириш, аёлга ишонч бериш, қўлидан тутишдир.

Дилобод ҚИЛИЧЕВА,
Касби туманидаги “Нуробод”
маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Ўсиш нуқта”ларимиздан бири чорвачилик бўлиб, аксарият хотин-қизлар уйда қорамол боқади. Сут-қатик аримайди, баракаси узилмайди.

“Аёллар дафтари” орқали кам таъминланган, эҳтиёжманд аёлларни рўйхатга олиб, уларнинг шароитини ўрганиб, жорий йилда 165 нафар аёлни қўллаб-қувватлашга эришдик. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган ёки ногирон фарзандни тарбиялаётган аёлларга бир марталик моддий ёрдам берилди.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

“Маҳалла еттилиги” оилаларни “Ижтимоий реестр”га киритади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари аҳолининг даромад даражаси ва бандлик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дифференциал ёндашув асосида амалга оширилади. Хусусан, айрим тоифадаги имконияти чекланган оилалар учун бандлик талаб этмаган ҳолда ижтимоий ёрдамлар бериш тизими йўлга қўйилади.

“Маҳалла еттилиги”га меҳнат қилиш имконияти чекланган ва оғир ҳаётий вазиятдаги оилаларни “Ижтимоий реестр”га киритиш ҳуқуқи берилади.

Шунингдек, реестрга киритилган оилаларнинг даромадини ошириш, соғлиқни сақлаш, бандлик, уй-жой ва бошқа йўналишларда ижтимоий хизматлар кўрсатиш, меҳнатга лаёқатли аъзоларни бандликка жалб қилиш ҳамда тадбиркорликка йўналтириш чоралари кўрилади.



Ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилади. 2026-2027 йилларда 20 та шундай марказларни ташкил этиш режалаштирилган. Марказларда қараб туриш, парваришлаш, абилитация, реабилитация ва таълим билан боғлиқ хизматлар кўрсатилади. Бу орқали ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож фуқаролар ҳамда ёлғиз шахсларни қамраб олиш, кундузги хизматлар ҳисобига уларнинг ижтимоий муассасаларга доимий жойлаштирилишини қисқартириш кўзда тутилган.

2026-2030 йилларда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш бўйича стратегия ишлаб чиқилди. Стратегия болалар учун зўравонликдан холи муҳит яратиш, зўравонлик хавфи остидаги болаларни барвақт аниқлаш ҳамда жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган болаларга комплекс хизматлар кўрсатишни асосий мақсад қилиб олган.

Стратегия асосида болалар билан ишлашда ижтимоий ёндашувга асосланган кичик ҳажмли, очик форматдаги марказлар фаолияти йўлга қўйилади. Ҳар бир бола бўйича индивидуал иш режалари шакллантирилиб, боланинг таълим олиши ва жамиятга интеграция қилинишига қаратилган чоралар кўрилади. Оилалар билан ишлашда болага нисбатан зўравонлик хавфини камайтириш, ота-оналарни қўллаб-қувватлаш, психологик ва ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланган.

Президент Матбуот хизмати
ахбороти асосида тайёрланди.



Ҳаёт шуни кўрсатадики, моддий етишмовчилик кўп оилаларда келишмовчиликларга сабаб бўлади. Баъзан оила юкининг бутун оғирлиги ёлғиз аёл елкасига тушиб қолади. Шундай ҳолатлардан бири яқинда маҳалламизда юз берди. Ёш аёл эри хоржизга кетиб, пул юбормай қайтганини, қайтгач ҳам ишламай, ичкиликка ружу қўйганини айтиб, кўзида ёш билан менга мурожаат қилди. Ўзи эса қўли гул тикувчи — маҳалладаги аёлларга чиройли, бежирим қўйлақлар тикиб беради. Аммо топган даромади рўзғорнинг ҳамма эҳтиёжига етмас эди.

Эр-хотинни қақириб, оиладаги тортишув муаммоларнинг ечими эмаслигини, ҳаракат ва меҳнатгина инсонни олдинга олиб чиқишини тушунтирдик. Ҳаракатсиз одам замондан ортда қолишини очик айтдик. Ҳоким ёрдамчиси орқали оила бошлиғини иш билан таъминлашга кўмаклашдик. Орадан вақт ўтгач, бу оила уйини таъмирлаб, ҳаётини изга солди. Бугун улар бир-бирига меҳр билан қарайди. Демак, баъзан одамга фақатгина туртки берадиган, йўл кўрсатадиган бир инсон кифоя экан.

Шуқри, маҳалламиз аёллари жуда меҳнаткаш. Турмуш ўртоғининг топганига қараб ўтириб қолмайди. Қаерда иш бўлса, қўл қовуштириб турмайди. Мавсумий ишларга чиқади, ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратадди. Бу меҳнат уларни нафакат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам кучли қилади. Қолаверса, касб-хунар мактабларида аёллар касаначилик, хунарманчилик, ҳамширалик каби йўналишларда таҳсил оляпти. Бир эмас, бир нечта хунарни эгаллаб, бандликка эришаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Аёл меҳнаткаш бўлса, оила мустаҳкам бўлади. Оила мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч бўлади. Биз эса шу тинчлик ва фаровонлик йўлида ҳизмат қилишдан чарчамаймиз. Чунки аёлнинг қўллаб-қувватлангани — бутун жамиятнинг ютуғидир.



МАҲАЛЛАДАГИ ИЖТИМОИЙ ХОДИМЛАРНИНГ қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.



ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН “Давлат хизматларини кўрсатиш сифатини аҳоли томонидан баҳолаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.



Ҳукумат қарорига кўра, қонунчиликдаги тадбиркорликка оид 1 600 та МАЖБУРИЙ ТАЛАБЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ.

●●●●● ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Хорижий сайёҳлар ташрифининг ортишига сабаб нима?

Мамлакатимиз азалдан жойлашуви, бой маданий ва тарихий обидалари, табиати билан туризм маркази сифатида маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг эътиборида бўлган. Қолаверса, соҳанинг тараққий этиши Янги Ўзбекистонни ривожлантириш ғояларига ҳамоҳангдир.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Туризм қўмитаси бошқарма
бошлиғи.

Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистон жаҳон туризм бозорига энг жозибадор мамлакатлардан бирига айланиб бораётибди. Худудларда сайёҳлар учун хизмат кўрсатувчи 662 та янги туристик ташкилот ва турагентлар фаолияти йўлга қўйилиши натижасида уларнинг сони 4 348 тани ташкил этди. Дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги сайёҳлик имжи фаол тарғиб этилди. Россия ва Хитойда “Ўзбекистон туризм йили” деб эълон қилинди. Инвестиция соҳасида 421 та лойиҳа амалга оширилиб, 6 313 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Тошкентда “JW Marriott”, “Swissôtel”, “Azimut” брендлари остида меҳмонхоналар ташкил этилди. Худудларда янги туризм қишлоқлари очилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида 3 та йирик туризм кластери ишга туширилди.

Бу натижаларни янада яхшилаш мақсадида Паркент туманининг “Олтин бел” чўққисида халқаро даражадаги янги тоғ-чанги зонаси барпо этиляпти. Яна бир лойиҳа Яшнобод туманида океанариум қуришга қаратилган. Янги сайёҳлик объекти 20 гектар майдонни эгаллайди. Унинг ёнида савдо-меҳмонхона мажмуасини қуриш режалаштирилган бўлиб, бу 1,6 мингта иш ўрни яратиш имконини беради.

Соҳа рақамлаштирилиб, миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилляпти. Унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари ҳам ўланади. Шунингдек, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ягона туристик карта” жорий қилинади.

Тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қўшимча 4 та янги давлат хизматлари жорий этилди, жами 14 та хизмат кўрсатилмоқда. “Tourist map” интерактив портали ва мобил иловаси ишлаб чиқилди. Синов тариқасида Самарқанд халқаро аэропортида интерактив ускуналар ўрнатилган ҳолда ишга туширилди.



Яна бир муҳим янгилик – Халқаро туризм ташкилоти доирасида “Яшил” туризмни жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар” номинациясини таъсис этиш, шунингдек, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ҳамда Самарқанддаги “Ипак йўли” халқаро университети ҳамкорлигида Глобал “яшил” туризм стартаплари лабораторияси яратиш кўзда тутиляпти.

Умуман, 2025 йил мамлакатимизда туризмни ривожлантириш йили бўлди, десак муболаға эмас. Агар статистик маълумотларга эътибор қаратсак, жорий йилнинг январь – ноябрь ойларида барқарор ўсиш суръатлари қайд этилди. 10,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Уларга 4,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида туризм хизматлари экспорти кўрсатилди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти томонидан

эълон қилинган сўнгги тахлилий маълумотларга кўра, Ўзбекистон 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича дунё миқёсида энг юқори ўсиш қайд этилган ТОП-7 давлатлар қаторига кирди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда туризмни жадал ривожланиши Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Иш юзасидан ҳар кун хонадон-ма-хонадон кириб, одамлар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш – “еттилик”нинг одатий вазифасига айланган. Шу ўрғанишларда ўзини камбағал ёки эҳтиёжманд сифатида кўрсатувчилар ҳам учраб туради.

Камбағалликни қисқартиришда “Ромитан тажрибаси” асқатаяпти

Акбар ҲАМРОЕВ,
Ромитан туманидаги
“Қаҳрамон” маҳалласи раиси.

Бундай инсонларни тўғри йўлга солишга интиляпмиз. Меҳнат орқали рўзғорга барака киришини тушуниб, соғлом одам ҳаракат қилса, камбағал бўлмаслигига ишонтиряпмиз. Бу ҳаракатлар натижаси кўплаб тақдирларни ўзгариляпти.



Маҳалла “драйвери” – иссиқхоначилик ва саноат. Ҳозирги кунда 231 та хонадонда иссиқхона мавжуд. Бундан ташқари, 600 гектар саноатга ихтисослашган иссиқхона хўжалигида ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган.



Яқиндагина Зулфиқор Раззоков “Камбағал оилалар реестри”да турарди. Балиқчиликка қизиққани учун шу йўналишда тадбиркорлигини бошлаш учун маҳалладан кўмак сўради. Унга “еттилик” тавсияси билан 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажра-

тилди ҳамда маҳаллий фермер еридан 2 гектар майдон берилди. Ғанишер Шайхон шу кунгача хорижда ишлаб, оила тебратар эди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида 100 миллион сўм кредит олиб, ўз хонадонда чорвачилик фаолиятини бошлади.

Хозирда унинг қўйлари сони 60 бошга етди. Қўшимчасига “Ешлар дафтери”да рўйхатда турган қизи учун ажратилган 33 миллион сўм кредит ҳисобига иссиқхона ташкил этди. Натижада оиланинг ойлик даромади 5 баробарга ошди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида Тўхтамурод Ниёзов доимий ишга жойлаштирилиб, ойига 4-5 миллион сўм маош олаётган бўлса, турмуш ўртоғи Фазолат Тўлаевага субсидия асосида тикув машинаси ажратилди. Бундан ташқари, имтиёзли кредит асосида хонадонда иссиқхона қурилгани чин маънода фаровонликка асос бўляпти.

Маҳалламизда Ромитан тумани тажрибаси асосида ишсиз ҳамда камбағал оила вакиллари худуддаги кичик корхоналарга бириктирилиши яқка тартибдаги тадбиркорларни катта корхона эгасига айлантиряпти. Шу тарзда маҳаллада “етакчи тадбиркор”лар пайдо бўляпти.



Ниҳоят, қатъий қарорга келди. Мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлашга аҳд қилди. Дастлаб чорвачиликка қизиқиши бўлгани учун отаси билан маслаҳатлашиб, шу соҳада иш бошлади. Бугун унинг 3 бош мол ва 10 бош қўйи бор. Қўшимчасига паррандачилик билан шуғулланади.

Лекин бу билан қийофланиб қолмади. Янада яхши яшаш, кўпроқ даромад топиш йўлларини излади. Бу жараёнда унга болалиқдаги қизиқиши – тикувчилик соҳасидаги билими кўл келди. Тумандаги тикув цехига ишга кирди. Оддий дазмолчиликдан, иш бошқарувчисиғача йўлни босиб ўтди.

Қасбий малакага эга бўлгач, энди ўзи мустақил фаолият бошлаш ҳаракатига тушди. Бунинг учун, аввало, “маҳалла еттилиги”, отаси кўмаклашди. Яхши кунига асраб юрган молини сотиб, тикув машинаси олиб берди. Кейин маҳалла кўмагида имтиёзли кредит эвазига 4 та тикув машинаси харид қилди. Бир дон тикув машинаси билан таваккал иш бошлаган аёл бугун 9 та иш ўрни яратди. Ўзи ва нафақадаги онаси ҳам шу ишда банд. Меҳнати натижаси яхшигина даромад келтиряпти. Интилиши ортидан 36 ёшли уй бекаси 3 йилда тадбиркорга айланди.

●●●●● МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Овул ободлиги учун янги бино қурилди

“Маҳалла сервис компаниялари” фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолининг кундалик юмушларида оғирини енгил қилмоқда. Айни кунда Қорақалпоғистон Республикасида бундай сервис компаниялари сони яна биттага кўпайиб, Кегейли туманидаги Жузим бағ овул фуқаролар йиғинида “Маҳалла сервис компанияси”нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бу ерда маҳаллани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашда фойдаланиш учун барча замонавий техникалар ҳозирланди.

– Мазкур ташаббус маҳаллалар ободлигини таъминлаш, аҳоли ва коммунал хизмат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда қулайлик яратмоқда, – дейди Жузим бағ овул фуқаролар йиғини раиси Азизбек КУДАЙНАЗАРОВ. –

Жараёнда маҳаллада яшовчи усталар ва вақтинча ишсизларнинг бандлиги таъминланмоқда. Муҳими, маҳалла орасалиги ортиб, чикиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишига эришилмоқда.

Компания ходимлари маҳалла худудидagi кам таъминланган оилаларнинг хонадонларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан бирга, аҳоли, корхона ва ташкилотларга шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатиши белгиланган.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.





Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида НАЗАРИЙ ФИЗИКА ИНСТИТУТИ ташкил этилади.



“ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТ” тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартиби белгиланди.



Касбий таълим ташкилотларини комплекс давлат аккредитациясидан ўтказишда БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ белгиланди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ — МАҲАЛЛАДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР МАСЛАҲАТЧИСИ

Хар бир ёш вужудида бир истеъдод яширин

Бугунги ёшларнинг энг катта қизиқишларидан бири — чет тилларини ўрганиш. Ҳозирги кунда маҳалламиздан 50 нафарга яқин ёш турли ўқув марказларида хорижий тилларни ўрганмоқда. Айниқса, шароити оғир бўлган ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг бепул таълим олиши учун кўмаклашяпмиз.

Асилбек КАМОЛОВ,
Учтепа туманидаги “Заргарлик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Базиларининг ўқув маркази билан тузилган шартнома тўловлари қоплаб берилса, айрим ёшларнинг ҳайдовчиликка ўқиш харажатлари тўлаб бериларди. Энг муҳими, ўқишни тугатган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласида доимий ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Яқинда касб-хунар бўйича ўқиб, сертификат олган бир нафар ёшни бевосита мутахассислиги асосида иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик. Бу биз учун кичик ютуқ бўлса-да, бир нафар ёшнинг ҳаётида катта бурилиш бўлди.

Баъзан ёшлардаги истеъдодни юзага чиқариш учун уларга шунчаки ишонч ва кичик туртки етарли бўлади. Чунки айримлар оилавий шароити ёки кундалик таътиллари сабаб ўз ичидagi иқтидорни намоён эта олмай юради. Ана шундай пайтда уларнинг ёнида туриш, қўлаб-қувватлаш ва руҳлантириш — ёшлар етакчиси сифатида менинг энг муҳим вазифаларимдан биридир.



Олдинда ёшлар билан боғлиқ режаларимиз катта. Энг асосий устувор вазифа — уларнинг бандлигини таъминлаш. Шу мақсадда 11-синфини битираётган ёшлар учун алоҳида бандлик дастурини ишлаб чиқдик. Дастур доирасида ёшларни, асосан, расмий ишга жойлаштириш, касб-хунарга йўналтириш ва меҳнат бозорига мос мутахассис сифатида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада қатъий чоралар кўрилади ва ҳар бир ёш билан манзилли ишлаш давом эттирилади.



Мен ёшлар етакчиси сифатида шунини аниқ биламанки, бугун ёшга берилган эътибор — эртанги кунимизга киритилган энг катта сармоядир. Агар биз ҳар бир ёшнинг ёнида бўлсак, унга ишонч билдирсак ва имконият яратиб берсак, у албатта ўз йўлини топади. Чунки ишонч билан ёқилган битта чироқ баъзан бутун бир ҳаётни ёритишга етади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЗАМОНАВИЙ ИНШОТ ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНАДИ

Дехқонobod туманидаги “Айридевол” маҳалласида йиллар давомида фойдаланилмай келган 24 гектар ер майдонини суғориш суви билан таъминлашга қаратилган муҳим лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.



Мазкур лойиҳа Деҳқонobod туманидаги маҳаллаларда аҳоли фаровонлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда фойдаланилмаётган ер майдонларини самарали иқтисодий айланишга киритишга қаратилган амалий ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ушбу лойиҳа маҳалламиз учун жуда муҳим, — дейди маҳалла раиси Фазлиддин Ҳожиқулов. — Йиллар давомида қаровсиз қолган ерлар энди суви билан

таъминланиб, аҳоли даромад манбаига эга бўлади. Энг муҳими, ёшлар ва ишсиз фуқаролар учун янги иш ўринлари яратилади. Бу эса маҳалламиз тараққиётига катта туртки бўлади. Ҳозирданок рўйхат шакллантирилиб, ерга экиладиган экин турлари аниқлаштирилипти.

Мазкур лойиҳа Деҳқонobod туманидаги маҳаллаларда аҳоли фаровонлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда фойдаланилмаётган ер майдонларини самарали иқтисодий айланишга киритишга қаратилган амалий ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.



Худуддаги деярли ҳар бир хонадон қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Асосан сабзичилик етакчи ўринни эгаллайди. Бу ерда етиштирилган маҳсулотлар вилоятимиз, ҳатто қўшни вилоятлар бозорларида ҳам тўқинлиқни таъминлайди. Омилкор деҳқонлар сабзи етиштиришнинг ҳадисини олишган. Масалан, тупрокнинг намлиги суғоришдан олдин 70-75 фоиз бўлиши керак. Кечки сабзи ёзининг энг иссиқ даврида, яъни июнь охири — июль бошларида сепади. Илдиз мева ҳосил қилиш даври кузги салқин кунларга тўғри келади. Суғориш эса уч-тўрт марта асосий майдонларни намлаб, сўнг ҳар 7-8 кунда, кейинчалик ҳар 10-12 кунда амалга оширилади.



Ёшларимиз унумдор ерларда маккажўхори, тошқарам, гулқарам, брокколи, ерғоқ каби сабзавот ва полиз экинларини ҳам етиштирмоқда. Шундай ташаббускорлардан бири — Тўйчи Жумаев. У ёшлигидан деҳқончилик билан шуғулланиб келади.

Маҳалладошимиз ишсиз экани, агар ер ажратиб берилса, турли полиз экинларини экиб, яхши даромад топишини ҳамда ўзини ўзи банд қилишини айтиб, менга мурожаат қилди. Шундан сўнг унга “Ёшлар дафтари” тизими орқали 50 сотих ер майдони 30 йил муддатга ажратилди. Бу ерга маккажўхори экиб, қарийб 50 миллион сўм даромад топди.

Шундай қилиб, ёшларимиз ерга меҳр қўйиб, меҳнат қилаётган сари томорқалар ҳосилга тўлиб тошмоқда. Уларнинг фидойилиги ва тиришқоқлиги нафақат бугунги кун, балки келажак учун ҳам умид бағишлайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Тадбиркор аёл туғруқ нафақасини олиши мумкинми?

Лола АБДУРАШИДОВА. Навоий шаҳри: — Мен ёш тадбиркорман, хусусий болалар боғчам бор. Шу боғчада жорий йил сентябрь ойидан буён ёрдамчи тарбиячи лавозимида ишлаб келяпман. Яқин кунларда туғруқ арафасидаман. Шу ҳолатда ўзим тадбиркор бўлсам-да, туғруқ нафақасини олишим мумкинми? Агар мумкин бўлса, қаерга мурожаат қилишим керак?

Қамолддин СУЯРОВ, Навоий шаҳар ҳукуқий маслаҳат бюроси Бош мутахассиси:

— Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сизга ҳомиладорлик ва туғруқ нафақаси тўланиши керак. Бу жараёнда асосий шарт ёрдамчи тарбиячи лавозимида узлуксиз камида 6 ой расмий иш стажига эга бўлишингиздир. Агар меҳнат шартномаси асосида ходим сифатида ишлаб келаятган бўлсангиз,

сизнинг тадбиркор эканингиз бу ҳуқуқни чекламайди. Меҳнат кодексининг 404-моддасига кўра, аёлларга туғруққа қадар 70 календарь кун ва туғруқдан кейин 56 календарь кун (агар туғруқ оғир кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган бўлса, 70 календарь кун) ҳомиладорлик ва туғруқ таътили берилади. Ушбу таътил даври учун нафақа тўланади ва унинг миқдори қонунчиликда белгиланган бўлиб, ўртача ойлик иш ҳақининг камида 75 фоизи-



кирилади. Ушбу маълумотлар “Электрон ҳукумат” ахборот тизими орқали текширилади ва сизнинг сўнгги 6 ойлик узлуксиз иш стажингиз ҳисобга олинади. Нафақа тўловлари белгиланган тартибда “Халқ банки” орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, барча ҳужжатларингиз тўғри расмийлаштирилган бўлса, сиз ҳомиладорлик ва туғруқ таътили ҳамда унга белгиланган нафақани тўлиқ олиш ҳуқуқига эга сиз.



2026 йил 1 январдан ўзбекистонликларга АҚШда рўйхатга олинган компанияларга ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ УЧУН ҲУКУМАТ РУХСАТИ талаб этилмайди.



Сенаторлар 2026 йилга мўлжалланган ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ маъқулади.



2026 йилда ИҚТИСОДИЁТ 6,6 ФОИЗГА ЎСИШИ, аҳоли жон бошига ЯИМ 4 000 доллардан ортиқ бўлиши, инфляция 7 фоиздан ошмаслиги кутилмоқда.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Тўлаликлар солиқларни тўлиқ тўлади ва ҳаммадан биринчи бўлди

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Солиқ қўмитаси солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган янги ахборот тизимини жорий этди. Бугунги кунда янги – “ЭХФ хавф даражасини баҳолаш” АТ тизимида солиқ тўловчилар томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭХФ) тест режимида сегментлаш ишлари амалга ошириляпти. Бу янада очик, адолатли ва замонавий тамойиллар асосида ривожланиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадамдир.

Тўра ТўРАЕВ,
Солиқ қўмитаси матбуот котиби.

Ўрганиш натижаларига кўра, 2025 йилнинг август ойида 8 та солиқ тўловчи томонидан иктисодий мазмунга мос келмайдиган операциялар амалга оширилгани аниқланди. Бу билан 127 та корхонага расмийлаштирилган ЭХФлар суммаси 1,1 триллион сўмни ташкил этиб, 113 миллиард сўм ҚҚС суммаси ҳисобга (заҳётга) олинган.

Масалан, аввал солиқ мажбуриятларини бажармаган 7 та корхонада раҳбар ва таъсисчи бўлган фуқаро томонидан таъсис этилган “Бренд” МЧЖ (номи ўзгартирилган) 2025 йил август ойида киримида мавжуд бўлмаган 231 миллиард сўмлик товар ва хизматлар учун (қора металл, ёғон ва реклама хизмати) 26 та корхонага ЭХФ расмийлаштирган. Бу ҳолда ҚҚС суммаси 28 миллиард сўмни ташкил этди. Янги тизим орқали ЭХФни расмийлаштиришда аниқланган бундай қўпол қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.



Маълумот учун, июнь-июль ойларида 12 та шубҳали корхона томонидан 149 та корхоналарга 4,3 триллион сўмлик ЭХФ расмийлаштирилган ва 517 миллиард сўм ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳолатлари кузатилган.

Шу боис солиқ органлари шубҳали операцияларни аниқлаш бўйича тизимли ишлар олиб борапти. Бу эса солиқ мажбуриятларини бажаришда шаффофлик ва адолатни таъминлашга қаратилган.

Янги тизим жорий йилнинг 22 декабридан солиқ тўловчилар учун тўлиқ тест тартибиде ишга туширилади. Бу жараёнда электрон ҳисобварақ-фактуралар шаклланганда тизим аниқ вақт тартибиде ишлайди. Фактура юборилган захоти унинг хавф даражаси кўринади. Агар хавф даражаси юқори бўлса – қизил белги, хавф даражаси паст бўлса – яшил белги қўйилади.

Тест тартиби даврида, яъни 2026 йил 1 январга қадар тизим орқали аниқланган ҳолатлар бўйича ҳеч қандай чоралар қўлланилмайди. Ушбу босқич фақатгина ўрганиш, синовдан ўтказиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Янги тизим аввалгилардан фарқли равишда фақат икки корхона ўртасидаги расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактурани инсон омилсиз автоматик баҳолайди. Баҳолаш натижаси реал вақт режимида амалга оширилади. Хавфи юқори бўлган ЭХФ бўйича ҚҚС суммаси сотувчи ёки харидор томонидан бюджетга тўланганда ҚҚСни автоматик равишда ҳисобга олинади.



Фазлиддин МУРОДОВ,
Шўрчи туманидаги “Тўла”, “Оққамар”, “Бахштепа” маҳаллалари солиқ инспектори.

Маъмур натижа шунчаки рақам эмас, балки маҳалла маъсулияти ва бирдамлигининг ёрқин намунаси. Қолаверса, “маҳалла еттилиги” билан ҳам-жиҳатликда ҳар бир кўча ва хонадонга кириб, аҳолига солиқ тўловларининг аҳамияти ва уларнинг қаерга сарфланиши ҳақида батафсил тушунтириб бордик.

Маълумот учун айтиш керакки, фуқаролардан йиғилган солиқларнинг 10 фоизи “маҳалла бюджети”га йўналтирилиб, бу маблағлар аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга сарфланади. “Тўла” маҳалласидаги ичимлик сув, асфальт йўллар ва тунги ёритиш тизими ҳам айнан “маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Бугун тўлаликлар бир ҳақиқатни чуқур англаб етди: солиқ – бу ўзларига қайтадиган фаровонликдир! Бу натижаларни амалда ўз исботини кўраётган оққамар ва бахштепаликлар ҳам йил охирига қадар мол-мулк ва ер солиқларидан мавжуд қарздорликларини тўлаш ҳаракатида.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, солиқ инспекторларининг маҳаллаларга бириктирилиши ҳар жиҳатдан самаралироқ бўляпти. Биринчи навбатда, олдингидек ўнталаб эмас, балки иккита-учта маҳаллада ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар билан тизимли ишлаш имконияти яратилди. Ҳар бир маҳалла маълум йўналишларга ихтисослаштирилиб, янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиляпти. Масалан, “Оққамар” маҳалласи худудиде ташкил этилган Ёшлар саноат зонасида 52 нафар тадбиркор иш бошлаб, юздан ортиқ курилиш ва хўжалик моллари маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ички бозорни таъминляпти. Норасмий фаолият юритаётганлар расмий рўйхатга олиниб, солиқ тушумлари кўпайтириляпти. Жорий йилнинг ўзида ноқонуний ишлаётган 17 нафар “тадбиркор” қонуний иш бошлади.


Бугунги кунда менга бириктирилган учта маҳаллада 272 та тадбиркорлик субъекти бўлиб, бу уч йил олдингига нисбатан 50 фоизга кўпдир. Уларнинг аксарияти, савдо-сотик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатяпти. Келгусида “Бахштепа” маҳалласида чорвачилиқ, “Тўла” маҳалласида деҳқончилик ва чорвачилиқ, “Оққамар” маҳалласида эса тадбиркорлик соҳасини кенгайтириб, солиқ тушумларини янада оширишни режалаштиряпмиз. Ўйлайманки, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда бу натижаларга эришамиз.

Кувонарлиси, бугун фуқароларнинг солиқ маданияти юксалди, улар “Мен ҳам мамлакат ва маҳаллам равнақи учун масъулман!” деган ватанпарварлик туйғусини амалда намоён этипти.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Солиқ тўлаш тизими ўзгаряптими?



Нуриддин ХУШБАҚОВ. Сўрхондарё вилояти:
– Эшитишимча, келаётган янги йилдан якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун солиқ тўлаш бўйича ўзгаришлар бўляпти экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Исматулло СЕВИНЧОВ, Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи:

– Президентнинг “Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қўлай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2026 йил 1 январдан даромад солиқ тўловчиси бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиқ тўлаш тартиби бекор қилиняпти.

Эндиликда айланмиси 100 миллион сўмгача бўлган ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахслар айланмасидан келиб чиқиб, 1 фоиз миқдорда айланмадан олинадиган солиқ тўлаш жорий қилиняпти. Фаолият манзили ва фаолият туридан келиб чиқиб, қатъий белгиланган миқдорда ҳар ойда бир хил суммада солиқ тўлаб юрган тадбиркорлар энди қилган даромадларидан бир фоиз миқдориде солиқ тўлайди.

Тошкент шаҳрида чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор ҳар ойда қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиғи учун бир миллион сўм тўлаган бўлса, энди олган даромадидан бир фоиз, яъни бир ойда 10 миллион сўм даромад оладиган бўлса, 10 миллион сўмдан бир фоиз айланмадан олинадиган солиқ тўлаш амалиётга жорий қилинади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига махсус платформа ишлаб чиқилади. Улар ушбу платформа орқали давлат рўхатидан ўтиши, электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириши, шартномаларни имзолаши ёки ёлланма ишчиларига қунийк ва ойлик иш ҳақини бериши мумкин.

Шунингдек, рақамли платформа орқали тадбиркорлик субъектларига истеъмолчилардан нақд пул ёки нақдсиз кўринишдаги тўловларни қабул қилиш имконияти яратилади. Бу тадбиркорлик субъектларига бир қанча имкониятлар ва енгилликлар беради.

2026 йил 1 январдан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ёки савдо шохобчасида махсус платформанинг QR-коди билан жиҳозлаш мажбурияти юклатилади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

ҚҚС гувоҳномасини бериш тартиби соддалаштирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик мулоқоти доирасида ҚҚС тўлашга ўтаётган субъектлар учун таклиф ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланди.



Асосий ўзгаришлардан бири – мажбурий тартибда ҚҚС тўловчилар деб эътироф этилган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома автоматик равишда берилади – у солиқ тўловчининг шахсий кабинети (my3.soliq.uz)да шаклланади. Бу жараёнда тадбиркорлик субъекти ариза тақдим этиши талаб этилмайди.

Шунингдек, корхона балансида кўчмас мулк мавжуд бўлганда, солиқ тўловчининг манзилда мавжудлигини ўрганиш тартиби бекор қилинади.

ҚҚС тўловчиси гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- 30 кунгача – солиқ органи томонидан;
- 30 кундан ортиқ бўлган муддатга – суд томонидан.



Келгуси йил учун
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
ХАРАЖАТЛАРИ
402,6 триллион сўмни
ташкил этади, шундан
54,7 фоизи (220 триллион
сўм) ижтимоий соҳага
йўналтирилади.



ЙИЛ БОШИДАН БУЁН
Ўзбекистонда 10 мингдан
ортиқ ёнғин содир бўлди,
бу ўтган йилга нисбатан
17 фоизга кўп.
Оқибатда 67 киши
ҳалок бўлди.



Рақобат қўмитаси
энг кўп эътирозларга
сабаб бўлаётган
НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ
ХИЗМАТЛАРИ
рўйхатини тузди.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ – АҲОЛИ КЎМАКЧИСИ

“Томорқадан фойдаланмаслик биз учун ор-номусли масала...”

Маҳалламиз ишсизликдан холи ҳудуд
ҳисобланади. Бу натижага эришиш осон
бўлмади. Кўпчилик ютуқлар сири борми,
деб сўрайди. Албатта, бор. Биринчи
навбатда, аҳолининг доимий фаолият тури
ихтисослашув, “ўсиш нуқта”га айлантирилади.

Фаррух ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Косон туманидаги
“Эсабой” маҳалласи ҳоким
ёрдамчиси.

Томорқадан фойдаланмаслик, энг аввало, бу ерда яшовчилар учун ор-номус масаласи. Бундан ташқари, бир оз лоқайд одам даромад топишда ҳам, турмуш тарзини яхшилашда ҳам элдан ортда қолиб кетади. Бу эса оилавий аҳволини оғирлаштириб, камбағаллик сари етаклаши аниқ. Маҳалла аҳлига камбағаллик, деган сўз бегона. Азалдан аҳоли сабзавотчиликда ўз тажриба

мактабини яратган. Бир мавсумнинг ўзига 80 минг тонна сабзавот маҳсулоти олинади. Қай бир хонадонга разм солманг, томорқасидан унумли фойдаланаётганига гувоҳ бўласиз. Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг деярли барча вилояти бозорларига сабзавотларимиз кириб боради. Талабгорлар ҳар йили фермерлардан ғалладан бўшаган 20 минг гектар ерни ижарага олиб, деҳқончилик қилади. Бунинг ортидан бир йилда бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ишлаб топаётганлар сони анча ошди. Нурилло Одилов ҳам ана шундай уста деҳқонлардан бири. Яқингача

хонадонидagi томорқадан йилига бир марта ҳосил оларди. Ҳозир бу кўрсаткич 4 мартага етди. Бундан ташқари, ғалладан бўшаган 7 гектар ижара ерида турли экинлар парваришлайди. Томорқасидан йилига 100 миллион, ғалладан бўшаган ердан 400 миллион сўмгача фойда кўряпти. Биласиз, деҳқончиликдаги самарадорлик оқова сувга боғлиқ. Шу маънода мазкур муаммо ҳал этилгани ютуқлар омили бўлди. Еттига артезиан қудуқ қазилиб, масалага ечим топилган, томорқадан фойдаланиш самарадорлиги ортди. Яна бир жиҳат – аввал ҳосилни даладан улгуржи сотиб юборар эдик. Табиийки, бу – даромадга таъсир қиларди. Айниқса, қишки совуқда ҳамда иссиқ кунларда имконият бўлмагани боис, маҳсулотлар яроқсиз ҳолга келиб қоларди. Ёки сақлаш учун узокрок ҳудудга харажат қилиб олиб боришга тўғри келарди.



Масалан, маҳаллада бирорта сабзи ювиш корхонаси бўлмаган эди. Ҳозир бу каби корхоналар сони 14 тага етиб, ҳар бирида 50-60 нафар йигит-қиз бандлиги таъминланган. Ҳатто, қўшни маҳаллалардан ҳам ишчи кучи жалб этаймиз. Излаган имкон топади, деганларидек, меҳнат ортидан барчанинг бандлиги таъминланган. Комиллик кўчасида 500 метрлик войиш қурилган бўлиб, аҳоли хонадонларида иссиқхона ташкил қилинган. Томорқаларига тўлиқ турли сабзавот экинлари экилган. Нафас кўчасидаги томорқаларда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида сабзавот (сабзи ва шолғом) етиштирилади. Шунингдек, 1 000 та ўрдак боқиш ва кунига 1 000 литр сутни қабул қилиш пунктлари фаолияти ҳам янги иш ўринлари яратишда қўл келмоқда.



Эндиликда ҳудудда 24 та махсус музлатгич қурилгач, ҳосилни узок вақт сақлаш ва даромадни ошириш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари, ҳудудда қоп ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, деҳқончилик маҳсулотлари шу ернинг ўзига қадоқланаяпти. Аввал ўйламаган, ҳаёлга келмаган ишлар ҳақиқатга айланди.

●●●●● МЕНДА САВОЛ БОР...

ХОДИМНИ МЕҲНАТ ТАЪТИЛИДАН НЕЧА КУНДА ЧАҚИРИБ ОЛИШ МУМКИН?

Фаррухбек ҲАМДАМОВ. Тошкент шаҳри:

— Ходим ҳар йилги меҳнат таътилига чиққанда, уни муддатидан олдин чақириб олиш тартиби қандай? Агар иш берувчи икки ҳафтадан сўнг ишга чақириб олса, ойлик тўланадими?



Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги
мутахассиси:

— Ходимни ҳар йилги меҳнат таътилидан фақат ўзининг розилиги билан чақириб олиш мумкин. Бу жараёнда у чақириб олишга розилиги тўғрисида ариза ёзиши керак. Шу асосида алоҳида буйруқ чиқарилади.

Таътилни фойдаланилмай қолган қисми унга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда ёки 14 календарь кундан ортиқ қисми кейинги иш йилида берилиши керак. Мисол учун, ходим 14 кундан сўнг чақириб олинса, таътилни қолган қисми кейинги иш йилига ўтказилади.

Ходим таътилдан чақириб олинса ва қолган қисми бошқа муддатга кўчирилса, таътилни қўчирилган кунларига тўғри келадиган кунларига ўртача иш ҳақи суммаси бажарилган иш ёки ишланган вақт учун ойлик иш ҳақи ҳисобига ёзилади. Таътилни фойдаланилмаган қисми кунларига ҳақ тўлаш учун ўртача иш ҳақи алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини

амалга оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, ходим таътилдан чақириб олинса, таътил учун тўланган ҳақ, ишга чиққандан кейин ишланган вақт учун ойлик иш ҳақи билан қайта ҳисоб-китоб қилинади. Масалан, ходимга 2025 йил 1 июлдан 25 календарь кун меҳнат таътили берилди. 10 кундан кейин, яъни 11 июлда чақириб олинди, лекин унга 25 кунга таътил пули тўлаб бўлинган, 15 кунлик таътилдан фойдаланмади. Шунда, 10 кунлик таътил пули ходимнинг ўзига қолади (чунки 10 кун таътилда бўлган), қолган 15 кунлик таътил пули 11-31 июлгача ишлаган иш ҳақидан айириб қолинади. Агар ходим 21 иш кунидан сўнг чақириб олинса, қолган кунлар учун пул тўланмайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

Анорчилик — каттаю кичикнинг севимли машғулоти



Маҳалламиз “ўсиш нуқта”си – анорчилик. Ҳар бир хонадон томорқасида анор парваришланади. Бу иш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос анъанага айланиб, маҳсулотни баҳоргача сақлаш бўйича маҳаллий усуллар ишлаб чиқилган.

Каримбой КАРИМБЕРГАНОВ,
Хива туманидаги
“Қушчи каттабоғ” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Ҳар бир ишнинг ўз тартиби бўлганидек, анор етиштиришнинг ҳам нозик жиҳатлари бор. Вақтида суғориб, ўғитлаб, парваришланмаса, юқори

Жорий йилда 5 та оила “Камбағал оилалар реестри”га киритилган эди. “Маҳалла еттилиги” кўмагида уларнинг 2 тасига иссиқхона қуриб берилган бўлса, 3 та оила чорвачилик йўналишида қўллаб-қувватланди. Ҳозиргача 60 нафар ишсиз хотин-қиз тикувчилик курсида ўқиб, ўзини ўзи банд қилди.



ҳосил олиш имконсиз. Маҳалла аҳли буни яхши тушунади. Даромад манбаи ҳисобланган юмуш катта-ю кичикнинг сеvimли машғулотига айланган. Маҳалламизга қиш фаслида келсангиз ҳам, хонадонлар

дастурхонида анор кўрасиз. Маматназар Давлатовнинг асл касби устачилик. Анорчилик оилга қўшимча даромад келтиради. Томорқасида 80 туп анор бўлиб, ҳар бир тупидан 70 килограммгача ҳосил олади. Ҳозирги кунда бир килограммини 30 минг сўмдан сотиб, йилига 50 миллион сўм даромад кўришни режа қияпти.

●●●●● ТОМОРҚА МАКТАБИ

ҚИШ МАВСУМИДА ПАРРАНДАЛАР ҚАНДАЙ ПАРВАРИШЛАНАДИ?

Жўжаларни уй шароитида парваришлаш нихоятда мураккаб жараён. Қишки мавсум учун қурилган бинолар олдиндан тайёрланиши керак. Жўжаларни қалин тўшамали ерда, меъёрий микроклим шароитида асраш талаб этилади.

Шодмон НАМОЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим
ва инновациялар миллий
маркази директори.

Бино таъмирланиши, оқланиши, дезинфекция ўтказилиши, иситиш, шамоллатиш ва етарли ёритиш имконияти яратилиши зарур. Паррандахонада ҳарорат +18-20 даража атрофида бўлишига эришилса, маҳсулдорлик юқори бўлади.



Кузги ва қишки мавсумда четдан қушлар учиб келиши, намгарчилик ва совуқ об-ҳаво оқибатида юқумли ва паразитар касалликлар учрайди. Бу касалликларнинг олдини олиш учун ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш, микроклимни мувофиқлаштириш, витаминларга бой озуқалар (буғдой, соя шрот, балиқ уни, ёе) билан озиқлантириш лозим.

Ёш жўжаларнинг ўсиши ва ривожланиши доимий назорат қилинади, оғирлиги ўлчанади. Икки ойгача ҳар 10 кунда, кейин ойда бир марта текширилади. 40 кунликдан пат алмашинуви ҳисобга олинади. Пат алмашинуви тўхташи ривожланишдан қолишга сабаб бўлади.



Дадабой Мадримов хонадонда ҳеч ким ишсиз эмас. Чунки оила бошлиғи темирчилик, асаларичилик ва анорчилик билан шуғулланса, турмуш ўртоғи Райхон Отажонова уй ҳамшираси ва қўли гул чевар. Томорқада 50 туп анор бор.

64 ёшли Вафо Бекчонов бугун нафақада бўлса-да, ҳаракатда. 10 сотих томорқасидан самарали фойдаланиб, ўзи билан бирга 4 нафар келинининг бандлигини таъминлаган. Саида Қодирова узок йилдан бери тикувчилик билан шуғулланиб келади. 35 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, маҳалладаги ишсиз аёлларга “Устоз-шогирд” анъанасига кўра, хунар ўргатмоқда.



Еврокомиссия билан
консултацияда
Ўзбекистон фуқаролари
учун ВИЗА ТАРТИБИНИ
СОДДАЛАШТИРИШ
масаласи муҳокама
қилинди.



МАРКАЗИЙ БАНК:
банклар оферта
шартномаларига
истеъмолчи хоҳишисиз
бошқа хизматларни
киритмаслиги
керак.



Ўзбекистон
дунёда
САЙЁХЛАР ОҚИМИ
ЭНГ ТЕЗ ЎСАЁТГАН
МАМЛАКАТЛАР
қаторига
кирди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Еттилик” бир бўлса, жиноятчи мақсадига етолмайди

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

ФУҚАРОЛАРНИ ЭЛЕКТРОН ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Низом ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан, планшет орқали аниқлаш тартибини белгилайди.



Ходимлар куйидаги ҳолларда фуқароларни тўхтатиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки “Е-патруль” тизими орқали уларнинг шахсини аниқлаши мумкин:


- шахс жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд қидирувда деб гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлганда;
- шахсни содир этилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлганда;
- қонунга мувофиқ шахсни ушлаб туриш учун бошқа қонуний асослар мавжуд бўлганда.

Ходим шахсга уни тўхтатганлик ҳамда ундан шахсини аниқлаш талаб этилаётгани сабаблари ва асосларини тушунтириб бериши шарт.

Фуқароларнинг шахсига доир маълумотлари планшет орқали “Е-патруль” тизимига тўғри киритилишига патруль-пост хизмати ходими масъул ҳисобланади. Ходим “Е-патруль” тизимидаги шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги ҳамда ушбу маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилмаслиги учун жавобгардир.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

...Одатдаги кунлардан бири. Кўп қаватли уйларнинг бирида қаровсиз қолдирилган велосипед нотаниш кишининг эътиборини тортди. У йўлакда турган велосипедни аста олиб чиқди-да, ҳайдаб кетди. Бирок унинг бу хатти-ҳаракати видеокузатув қурилмасига ёзиб қолинди. Тезкор профилактик тадбирлар натижасида ўғри топилиб, ушланди...



Шаҳзод НУРИДДИНОВ,
Навоний шаҳридаги “Меъмор” маҳалласи
профилактика инспектори.

“Меъмор” маҳалласи Навоний шаҳрининг гавжум марказида жойлашган. Шу боис бундай ҳолатлар тез-тез содир бўлиб туради. Айниқса, Марказий деҳқон бозори, “Дархон” савдо мажмуаси ҳамда кафе-барлар атрофида машиналари эшикларини кулфламасдан, очик қолдириш ҳолатлари кўп кузатилади. Айримлари қалитни ҳам унутишади. Бундай ҳолатлар қўли ва кўнгли эгрилар учун тайёр ўлжа.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, маҳалла ҳудудига кириб-чиқиш йўллари, кўп қаватли тураржойлар, савдо дўконлари ва ижтимоий объектлар атрофида замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Биргина Навоний шаҳар марказий деҳқон бозори ҳудудига инсон юзидан танувчи 17 та замонавий камера қўйдик.

Бу ерда 2023 йил иш бошлаганимда фарибгарлик билан боғлиқ жиноят кўп эди. Шу боис фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратдим. Жабрланувчиларнинг кўрсатмалари ва суриштирувлар орқали фарибгарлар ушланиб, тегишли тартибда жавобгарликка тортилди. Одамлар фарибгарлар тузоғига тушиб қолмаслиги учун, аввало, ҳуқуқий билимларини ошириши зарур. Қолаверса, турли иловаларга кирмаслиги, шахсий маълумотларини бегоналарга тақдим этмаслиги шарт.

Шу мақсадда бозор ҳудудлари ва аҳоли гавжум жойларга фарибгарлардан огоҳ этувчи тарғибот материаллари ҳамда шахсий телефон рақамини жойлаштириб, тезкор ишлаш тартибига ўтдик. Асосий ҳуқуқбузарликлар марказий деҳқон бозори ҳудудида содир бўлаётгани учун Миллий гвардия, патруль-пост ва қўриқлаш хизмати ходимлари, шунингдек, фавкулда ҳолатлар хизмати ва бошқа ташкилот вакиллари ҳамкорлигини кучайтирдик. Натижада жиноятчилик жиловланди.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этиши ва жиноят қурбонига

айланиб қолиши мумкин бўлган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяпмиз. Ҳар бири ҳақида “еттилик” аъзоларига ижтимоий профилактик хулосаси асосида бириктириб, кунига тўрт-бешта оилага кириб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини биргаликда ҳал этапмиз.

Ёшларнинг турли бузғунчи ғоялардан йироқда бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланишида ота-онанинг тарбияси муҳим. Шу боис мактабда “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ҳар ой икки марта вояга етмаганлар ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, юриш-туришида, тарбиясида ножўя хатти-ҳаракатлар кузатилаётган ўқувчиларнинг ота-оналарини чақиртириб, уларга фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишларини сўраяпмиз. Бундай ҳолатлар қайта такрорланса, тегишли чоралар кўриляпти.

Одатда, кунлик иш фаолиятини эрталабки йўриқ-номадан сўнг маҳалла идорасидан бошлайман. Бу ерда “еттилик” аъзолари иштирокида ўз йўналишларимиз бўйича мавжуд муаммоларни муҳокама этиб, кунлик вазифаларимизни белгилаб оламиз. Менинг асосий вазифам – маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишдир. Бу мақсадларга эришишимда оила аъзоларим билан шу ерда – хизмат уйимда яшаб, ишлаётганим яхши самара берапти. Чунки кечая кундуз шу ҳудудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаб, жиноятчиликнинг барвақт олдини оляпман. Бирор манзилда ҳуқуқбузарлик ёки қақирув бўлса, тезкор етиб бораман.

Келгусида ҳам ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, фуқароларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш орқали маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантирамиз.

СУД ОЧЕРКИ

Ваъдалар унутилди, пуллар ишлатиб юборилди

Орамизда уяли телефон ишқибозлари жуда кўп. Ҳар гал янги русуми чиққанида нархи қанча бўлишидан қатъи назар уни сотиб олишади. Ҳатто бунинг учун хорижга бориб келишдан ҳам эринмайди.



Миросид МИРОБИДОВ,
Шайхонтоҳур тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги
Тергов бўлими терговчиси.

Санжар ана шундай уяли телефон ишқибозлари ортидан мўмай даромад ишлаб топаётганлардан бири эди. Бу борада у телефонлар савдоси билан шуғулланувчи Бобурнинг ишончли мижозига айланди.

Телефонлар сотувидан ўзи ҳам яхши фойда олаётган Бобур бу гал ҳам шубҳа-гумонга бормай, сўраган молларни тахт қилди. Санжар эса 30 донга “iPhone 15 Pro Max” телефон аппаратларини муддатли тўлов асносида олиб кетди.

Санжар берган ваъдаси бўйича бир ой ичида пуллари келтириб бериши керак эди. Бирок у танншига берган ваъдаси, ишончини суиистеъмол қилаётганидан заррача пушаймон бўлмай, сотувдан тушган пуллари ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Улуши у ёқда турсин, ҳатто телефонларнинг ўз нарҳидаги пуллари ҳам ололма-

ган Бобур Шайхонтоҳур тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Тергов жараёнида Санжарнинг жиноий қилмишини исботлаш учун етарлича далиллар тўпланди ва жиноят иши қонуний баҳо бериш учун судга тақдим этилди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди очик суд мажлисида 1995 йилда тузилган, маълумоти ўрта, икки нафар фарзанднинг отаси бўлмиш Санжарнинг қилмишларини қонуна қўриб чиқиб, уни фарибгарлик билан айбдор деб топди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ЁЛФОН БУЮРТМА — ФИРИБГАРНИНГ ЯНГИ ТУЗОҒИ

Юртимизда янги фарибгарлик шакли – такси ҳайдовчиларни алдаётганлар учрамоқда. Бу усулда сиз билган иловалар орқали такси буюртма қилиниб, ҳайдовчидан юкни кўрсатилган манзилга етказиш сўралади.



Ички ишлар вазирлиги
Тезкор-қидирув
департаменти
Киберхавфсизлик
маркази.

Катта кути ёки сумка берилиб, ичида қимматбаҳо буюм борлиги айтилади. Ва товар пулини ҳайдовчи ўз чўнтагидан бериши, буюртма етказиб берилганидан сўнг, юкни олувчи йўлқира билан бирга, кутидаги товар пулини ҳам қайтаришни айтишади. Такси ҳайдовчисига қабул қилиб олувчи деб рақам берилиб, телефон орқали суҳбатлаштирилади.

Сохта буюртмачи ҳайдовчига жўнатмани кўркмай олиб келишини, сўралган суммани буюртмачига беришни, манзилга келгандан кейин барча пуллари қайтаришни, йўл ҳақини эса ортқи билан беришга ишонтиради. Кун давомида ишлайдиган пулни бир соатда топишни ўйлаган ҳайдовчи қопқонга илинади. Манзилга етиб борганда эса на буюртмачидан, на пулдан дарак бўлади. Телефонлар эса ўчади. Кути очиб кўрилганда керакисиз буюмлар ёки арзимаган нарсалар бўлади. Натижада ҳайдовчи пулдан айрилади, буюртма эса ёлғон бўлиб чиқади.

Хўш, бундай ҳолатларга учрамаслиги учун нима қилиш керак? Ҳеч қачон буюртмачига олдиндан пул берманг! Қанча ишончли гапирса ҳам у фарибгарликнинг асосий белгиси. Қабул қилувчи билан берилган рақам орқали гаплашиш ҳам фойдасиз. Чунки бу рақам эгаси ҳам фарибгарликларнинг иштирокчиси. Кутини очиб кўришга рухсат беришмаса, у юз фоиз шубҳали. Қиммат буюм, дея ишонтиришса, ишонманг. Фарибгарлар айнан катта кути ёки қимматбаҳо буюм, деган алдовдан фойдаланади. Шубҳали ҳолатни сезсангиз, дарҳол ички ишлар органларига мурожаат қилинг.

Шу ўринда барча такси ҳайдовчиларидан хушёрлик ва эҳтиёткорлик сўралади. Ўз меҳнатингиз билан топган пулингизни фарибгарларга ишончи топишманг.

БИРЛАШГАН КУРАШ ДУНЁСИ рейтингда юнон-рум кураши бўйича Айтжан Халмаханов, Алишер Ғаниев ҳамда Абдулло Алиев биринчи ўриндан жой олди.

Ўзбекистон футбол бўйича **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ** **ЎЙИНЛАРИДАГИ ИШТИРОК УЧУН** камида 10,5 миллион доллар олади.

Фазлиддин Эркинбоев ва Жавоҳир Умматалиев “**WORLD BOXING**” **ТАШКИЛОТИ** рўйхатида учта олтин медаль билан йилни етакчи сифатида аяқулади.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!”



“Жисмоний тарбия” ва “спорт” атамалари доим ёнма-ён юради. Шунинг учун айрим ҳолларда уларни бир мазмунда ишлатамиз. Лекин бу икки сўз, аслида, бир-биридан ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан бошқа-бошқа.

“Жисмоний тарбия” ёки “спорт”?

Фарқи

Жисмоний тарбия, бу — саломатликни мустаҳкамлаш, тиклашга йўналтирилган фаолият. У туфайли инсонда танасига нисбатан бошқача муносабат шаклланади. Яъни жисмоний тарбияга кўшимча куч берадиган ва узок умр кўришининг манбаи сифатида қаралади. Бундан ташқари, у соғлом турмуш тарзи тамойилларини амалга оширишга йўналтирилган билим ва қадриятлар мажмуи, интеллектуал фаолиятнинг такомиллашуви ҳисобланади.

Спорт (ҳам ҳаваскор, ҳам профессионал) эса фаолиятнинг ўзига хос тури бўлиб, у одамларнинг интеллектуал ва жисмоний қобилиятини жамоавий ўйин ёки яккама-якка беллашувларда таққослашга ундайди. Спортдан кўзланган мақсад — инсонда нафақат жисмоний малакани ривожлантириш, балки рақиб устидан ғалаба қозонишни ҳам тақозо этади. У билан шуғулланиш жараёнида машғулотлар аниқ, мақсадли дастур асосида олиб борилади.

Қиёс

Спорт, бу — доимий машғулотлар, керак бўлса, ўз куч ва имкониятларидан ҳам ортиқ ишлашни талаб этади. Ахир мусобақа пайтида бошқалардан икки ҳисса яхшироқ бўлиш керак-да.

Жисмоний тарбияда киши ўзини ортиқча зуриктирмайди. Куч ва имкониятлари даражасида машқ қилади. Шу боис у барча хоҳловчиларга, у неча ёшда экани, жисмоний малакасида қатъи назар, очик ва ихтиёрӣ.

Хулосалар

Асосий мақсад. Спорт билан бирор ютуқ ва ғалабага эришиш учун шуғулланилади. Жисмоний тарбия соғлиқни сақлашга қаратилган.

Жалб этилиш даражаси. Жисмоний тарбия билан инсон ўзининг ҳузур-ҳаловати учун машғул бўлса, спорт бир маромда ва доимий кечади (*баъзан жисмоний тарбия ҳам шу руҳда давом этиши мумкин*).

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Юктамалар.

Жисмоний тарбия умумий жисмоний кўникмаларни ривожлантиришни, спорт эса инсон имкониятларининг меъёридан ортиғига эришишни назарда тутди.

ҚОМАТНИ ТИКЛАЙМАН, ДЕБ ҚАДДИНГИЗНИ БУКИБ ҚЎЙМАНГ

БАДАНТАРБИЯ

Бугун аксарият ёшлар қисқа муддатда қадди-қоматини расо қилишни хоҳлайди. Шу боис кўпчилиги фитнес, бодибилдингга қатнайди. Чунки спортнинг бу турлари ёш танламайди ва ҳамма учун бирдек мос келади. Лекин улар билан шуғулланишнинг ҳам ўз қонун-қондаси бор. Кўпчилик бунга амал қилмай, нотўғри шуғулланиб, соғлиғига жиддий зарар келтиради.

Ёш

Бодибилдинг билан фақат 16 ёшдан кейин шуғулланган маъқул. Шунда ҳам аввалги енгил-енгил машқларни бажариш керак. Аслида, ушбу спорт турининг ҳеч қандай зарари йўқ. Фақат машқ залида тўғри шуғулланиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, баданни яхшилаб қиздириш (югуриб, тез юриб ва ҳоказо) зарур.

Дастур

Баъзилар озғин бўлса, “аввал тўлишиб, сал вазн олганимдан сўнг шуғулланишга бораман”, деб ўйлайди. Бу нотўғри. Машқ залига озғинми-семизми, ҳамма соғлом бўлиш учун боради. Мураббий унинг вазни, бўйи, саломатлиги, олдин қандай касалликларга чалинганини ҳисобга олган ҳолда алоҳида дастур тузади ва шу асосда у билан ишлайди.

Фитнес билан шуғулланиш натижасида остеохондроз, бўғимларда туз йиғилишининг олди олинади. Лекин гепатитга чалинганлар эҳтиёт бўлиши керак. Улар оғир қўтармаслиги, енгил машқлар бажариши лозим.

Мавсуми

Айримлар “ёз ойларида шуғулланмасдан, салқин кунлар тушиши билан яна машқларни бошлаш мумкин экан”, дея ўйлайди. Бу ҳам нотўғри. Бир кун машқ залида шуғулланганингизда бир қадам олдинда бўлсангиз, шуғулланмаган кунингиз икки қадам ортда қоласиз. Тўғри, мавсумга ҳам қаралади. Лекин бу бутун ёз давомида шуғулланишни буткул тўхтатиш керак, дегани эмас. Фақат ёз ойларида юклама сал камайтирилади.

Дорилар

Баъзан энди шуғуллана бошлаганлар қисқа фурсатда қадди-қоматини ўзгартиришни истаб, турли кимёвий дори воситаларини сотиб олмоқчи бўлади. Уларнинг айримлари соғлиққа салбий таъсир кўрсатиб, гепатит (сарик), ошқозон-ичак, буйрак, юрак ва жинсий аъзолар касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Шу боис бу борада мураббий маслаҳатига қулоқ тутиш зарур.

Овқатланиш

Тўғри, бундай кимёвий дори воситалари кишини семиртириши ёки оздириши мумкин. Лекин маълум вақт ўтгач, ўзидан турли асоратлар қолдиради. Қанчалик тез семиртирган бўлса, шунча тез оздиради. Шу боис кўпроқ оксиген, углеводга бой табиий озиқ-овқат истеъмол қилиш тавсия этилади. Кунига 4-5 маҳал овқатланиши керак.

Кўриб турганингиздек, фитнес, бодибилдинг билан шуғулланишнинг ўз тартиб-қоидалари бор. “Маҳалла еттилиги” вакиллари шифокорлар, спорт усталарини жалб қилган ҳолда, буни ёшларга тўғри тушунтириши, фойдали жиҳатлари ва салбий оқибатларини аёнлаштириш зарур. Маҳаллада шундай машқ залларини ташкил этиб, аҳолининг ундан тўғри ва самарали шуғулланишини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Камолиддин ЖЎРАБОВЕВ, спорт устаси.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Фотима АЛИҚУЛОВА. Қашқадарё вилояти:

— МЕН ТУҒМА ЧАПАҚАЙМАН, ИШЛАРНИ ҲАМ ЧАП ҚЎЛИМДА ҚИЛАМАН. АММО ОВҚАТНИ ЎНГ ҚЎЛИМ БИЛАН ЕЙМАН. ЛЕКИН ГЎШТ ТЎҒРАШ ВА ТАОМ ПИШИРИШ КАБИ ИШЛАРНИ ЧАП ҚЎЛДА БАЖАРАМАН. АҚИНЛАРИМ БУ ИШНИНГ МАКРУҲ ВА ЖОИЗ ЭМАС, ДЕЙИШАДИ. ШУ ТЎҒРИМИ?

ЧАП ҚЎЛДА ОВҚАТ ТАЙЁРЛАШ МАКРУҲ АМАЛМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Йўқ, яқинларингизнинг бу гаплари нотўғри. Албатта, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифда: “Сизлардан бирингиз таом еса, ўнғ қўли билан есин ва ўнғ қўли билан ичсин. Чап қўли билан емасин ва ичмасин! Чунки Шайтон чап қўли билан ейди ва ичади ҳамда чап қўли билан ушлайди ва беради”, деганлар (Имом Аҳмад ривоятӣ).

Лекин мазкур ҳадисдаги буйруқни уламолар мандублик (*уни бажарса савоб бўлади, аксинча бўлса эса гуноҳ бўлмайди*) учун, дейишган. Ҳадиси шарифдаги тақик борасида эса: “Бу танзихий (ҳалолга яқин) макруҳ бўлиб, у ҳам узрсиз ҳолатларга тегишлидир”, деганлар. Шунга қўра, агар ўнғ қўлида жароҳат ёки беморлик борлиги сабабли уни ишлата олмаса ёки ишлатиш машаққат туғдирадиган бўлса, у ҳолда чап қўлида таом ейиш ва ичиши ҳамда бошқа ишларни қилиши макруҳ эмасдир, деганлар (“Умдатул-қорӣ” китоби).

Демак, сиз ҳам туғма чапақай бўлганингиз сабабли таомни ўнғ қўлингиз билан еб-ичиб, овқат тайёрлаш ва бошқа ишларни чап қўлда бажарсангиз, ҳеч бир макруҳликсиз жоиз бўлади.

БАЛИҚ ГЎШТИ АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИМИ?

Пенсильвания университети олимларининг “Nature” журналида эълон қилган тадқиқотларига қўра, балиқ гўштини мунтазам равишда (камида ҳафтасига 1 марта) истеъмол қилган болаларнинг интеллектуал қобилияти юқори, уйқуси яхши бўлади.

Тажриба учун 9-11 ёшлар атрофидаги 541 нафар бола танлаб олинди. Иштирокчи ва уларнинг ота-оналаридан болалар балиқли таомларни қанча миқдорда ейишлари сўраб чиқилди. Кимдир кўп, бошқаси ҳафтада бир марта балиқ гўшти тановул қилишини айтиди. Шунингдек, “Ҳеч қачон”, деб жавоб берганлар ҳам бўлди. Савол-жавоблар якунлангач, болалар интеллектини текширувчи тест синови ўтказилди.

Маълум бўлдики, балиқни севувчи болаларнинг ақли ўткир. Ақалли ҳар ҳафта балиқ ейдиганларнинг жавоблари ҳам чакки эмас. Балиқдан парҳез қилувчилар эса тестни ечишга қийналишди, шунингдек, уларнинг ота-оналари фарзандининг уйқуси яхши эмаслигидан шикоят қилди.

Шифокорлар тадқиқот натижасини тасдиқлашди. Болани кичик ёшданок балиқ гўшти таъмига ўргатган маъқул, шунда бу уларнинг сеvimли таомига айланади. Аммо оғир даражадаги аллергия хасталиклардан азият чекувчиларга бу егулик тўғри келмайди.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.